

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР “ОЛИМА” УЮШМАСИ

“ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА МАДАНИЯТИ ТАРИХИДА
ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ”

Республика илмий-амалий конференция
материаллари

2018 йил 13-14 апрель

Қарши – 2018

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги 126-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси”га асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 февралдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2017 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 86-сонли буйруғи билан тасдиқланган режа-топшириги ижросини амалга оширишга бағишланган “Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида жанубий Ўзбекистоннинг ўрни” республика илмий-амалий конференцияси маърузалар тўпламида қадимги ва ўрта асрлар даврида жанубий Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва маданий ривожланиши, мустамлака даврида Ўзбекистон давлатчилиги, маданияти, тарихшунослиги ва манбашунослиги, мустақиллик даврида жанубий Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиши, ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганишда инновацион технология ҳамда бошқа долзарб вазифалар хусусида таҳлилий мулоҳазалар билдирилган.

Ушбу тўпламнинг чоп этилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг илм фан соҳасида фармонлари, қарорлари ижросини амалга оширишга бағишланган.

Тақдим этилаётган маърузалар тўплами турли соҳа мутахассислари ҳамда кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Эргашева Ю.А. -	т.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар “Олима” уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлими раиси
-----------------	--

Таҳрир ҳайъати ва аъзолари:

доц.	Холиқулов П.
доц.	Васиева Д.И.
доц.	Темирова Ч.Х.
т.ф.н.	Тиловатов Ф.У.
к.ўқит.	Хосиятов Х.О.

Мазкур тўплам Қарши муҳандислик-иқтисодиёт Илмий Кенгашининг 2018 йил 30 март № 8 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинди.

Тўпламга киритилган маълумотлар тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.

© Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, 2018 й.

Ўзбекистон халқ рассоми Леким Иброҳимов ҳам бу даврда унумли ижод қилди. У 1999 йили Ўзбекистон Бадий Академиясининг академиги, 2001 йили Ўзбекистон халқ рассоми унвонига эга бўлди. Л.Иброҳимов ижодида ҳам шарқ мавзуси етакчилик қилиб, халқ эртақ ва дostonлари, ўзбек мумтоз шеърляти асосида асарлар яратди. “Амир Темур”, “Бобур” ва “Алишер Навоий” портретлари шулар жумласидандир. Унинг 2000-2012 йиллар мобайнида яратган “Минг фаришта ва бир сураг” асари жуда машхур бўлиб, Прага, Москва ва Тошкентда муваффақиятли намоиш этилди. Бу асарнинг ҳажми 500 метр квадратдан иборат бўлиб, оғирлиги 22 тоннадан иборат.

Тасвирий санъатни ривожланишида кўргазма ва кўрик танловларнинг ўзига хос ўрни бор. Масалан, 2001 йил кузида Тошкентда Инновация ва тараққиёт маркази ташаббуси билан “Рассомлар қурган кўприк” номли кўргазма ташкил этилди.[5] Ушбу кўргазмада Ўзбекистондан А.Алиқулов, Г.Қодиров, А.Нур, В.Усеинов, М.Эсанов каби ижодкорлар иштирок этди. Кўргазмада шарқ ва ғарб тасвирий санъати анъаналари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, 2001 йилнинг октябрида Тошкентда биринчи марта Марказий Осиё минтақаси “Биеннале 2001” халқаро кўргазмаси очилди. Бадий кўргазма “Санъат яратувчилик ва инсонпарварлик тимсоли” мавзусида фаолият олиб борди.[6] Шундай кўргазмалар туфайли ўзбек рассомчилик санъати халқаро миқёсда ўз ўрнини топмоқда. Ўзбек тасвирий санъат усталарининг асарлари жаҳоннинг қатор мамлакатлари галерея ва музейларида намоиш этилди. Ч.Бекмиров, О.Муннова, Д.Новиков кабиларнинг асарлари шулар жумласидандир.

2013 йили Мустақиллик кунига бағишлаб “Энг улуғ, энг азиз” кўрик танлови ўтказилди. Бунда рассом Дилором Мамедова 1-ўринни кўлга киритди ва “Йилнинг энг яхши рассоми” дипломини кўлга киритди.[7]

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг вилоятларида ҳам тасвирий санъатнинг ўзига хос мактаблари ривожланди. Н.Калонов, А.Исаев Самарқандда, О.Бакиров ва У.Болтаев Андижонда, И.Валихўжаев Наманганда рангтасвир санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Бу даврда рангтасвир санъатида эришилган асосий ютуқлардан бири бу ўрта аср деворий суръатлари ва миниатюра анъаналари қайта тикланди. Бунда айниқса, Ш.Мухаммаджонов, Б.Йўлдошев, Н.Холматов, Т.Шоймардоноваларнинг эътиборга моликдир.

Хуллас, мустақиллик йилларида рангтасвир санъати янги анъаналар билан бойитилган асарлар билан бойиб борди. Бунда Ўзбекистон Бадий Академияси катта роль ўйнади.

Фойдаланилган адабиётлар:


1. Халқ сўзи, 1997, 23 январь
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 3-сон.
3. darakchi.uz/uz/8845. Топ-10: Мустақил Ўзбекистоннинг ёрқин рассомлари
4. Ўзбекистон бадий Академияси жорий архиви.
5. Народное слово, 2001, 4 октябрь.

СУВ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАЁТГАН НАСОСЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ВА МУАММОЛАРИ


И.Х. Ғайимназаров, У.Ж. Қувватов, А.Ж. Норчаев - ҚарМИИ

Сув манбаларидан юқорида жойлашган ерларни суғориш, ичимлик суви билан таъминлаш ва ифлос сувларни чиқариб ташлаш учун одамлар сувни ҳар хил


усуллар билан юқорига кўтарганлар. Эрамиздан аввалги 3 мингинчи йилларда ҳам оддий сув кўтариш иншоотлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Масалан, Нил дарёсининг сув сатҳи тушиб кетганда мисрликлар идишларда бир-бирига узатиб сувни юқорига кўтарганлар. Энг қадимги сув кўтариш мосламалари шадуфлар Миср давлатида ихтиро қилиниб фойдаланилган (1-расм). Кейинчалик улар Архимед винти (2-расм) ва ҳар хил сув кўтариш ғилдиракларидан (3-расм) фойдаланганлар.



1-расм. Шадуф




2-расм. Архимед винти




3-расм. Сув кўтариш ғилдираги

Археологик қазилмалар натижасида, Самарқанд шаҳри яқинидаги Афросиёб тепалиги тагида бундан 3 минг йил илгари вайрон қилинган шаҳарни сув билан таъминлаш ва ифлос сувларни олиб чиқиб кетадиган иншоотларнинг (кўрғошин нов, ҳар хил сопол қувурлар ва бошқалар) қолдиқлари топилган. Бухоро шаҳрида ифлос сувларни олиб чиқиб кетадиган, XVIII – XIX асрларда қурилган канализация ариқчалари ҳозиргача мавжуд.

IX асрдан бошлаб Хитой, Ҳиндистон, Миср ва Марказий Осиё давлатларида, сувни юқорига кўтариш учун, уй ҳайвонлари ёки одам кучи билан ҳаракатга келтирилиувчи мослама – чигирлардан (4-расм) ва оқар сув ёрдамида ҳаракатга келувчи чархпалаклардан (5-расм) фойдаланганлар. Бундай оддий мосламалар ҳозирги кунда ҳам ишлатилмоқда.



4-расм. Куч ёрдамида ҳаракатга келтириладиган чигирлар.



5-расм. Чархпалак.

Сув кўтариш учун биринчи поршенли насослар XII асрда Новгород шаҳрида яратилган. 1519 йили, Псков кремлини, 1631 йили эса Москва кремлини сув билан таъминлаш учун сув минораларига сув узатувчи поршенли насос станциялари қурилган.

Поршенли насослардан сўнг, унумдорлиги катта бўлган марказдан қочма ва ўқий насосларнинг яратилиши, сувни юқорига кўтариш ишларини жадаллаштириб юборди. Марказий Осиёда кенг қўлланилган чигирлар ўрнига замонавий насос станциялари қурила бошланди.

Ўзбекистон Республикасидаги суғориладиган 4,3 млн. га экин майдон-ларининг 53 % га 1600 дан ортиқ насос станциялари ва қурилмалари сув кўтариб берадилар. Бундан ташқари Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари фаолият кўрсатадиган қишлоқ хўжалик ерларининг яна 25 % га ҳам 30 000 данадан ортиқ кичик насос станциялари ва қурилмалари ёрдамида сув етказиб берилади.

Ер ости сувлари сатҳини тартибга солиш, ичимлик ва суғориш суви билан таъминлаш мақсадида республикада 9800 данадан ортиқроқ вертикал қудуқларга ўрнатилган насос қурилмалари эксплуатация қилинади. Қишлоқ хўжалигида йилига ўртача истеъмол қилинадиган 11,0 млрд.кВт/соатдан ортиқроқ электрэнергиянинг 8,2 млрд.кВт/соати насос станциялари томонидан истеъмол қилинади ёки йилига сув хўжалиги комплексини эксплуатация қилиш учун ажратиладиган маблағнинг 75 % давлат насос станцияларини эксплуатация қилишга сарфланади. Шунинг учун мамлакатимиз машинали суғориш бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллаб турибди.

Мамлакатдаги жуда кўп насос станциялари ва қурилмалари 40-50 йилдан буён эксплуатация қилиниб, ундаги жиҳозлар аллақачон ўз ресурсларини ишлатиб бўлишган. Аммо эксплуатация ходимларининг чуқур билими ва тажрибасига таяниб, жорий ва капитал таъмирлашлар натижасида улар ҳозиргача эксплуатация қилинмоқда. Ҳозирги кунда насос станцияларида қуйидаги муаммолар мавжуд.

1. Насос станцияларининг асосий ва ёрдамчи гидромеханик ҳамда энергетик жиҳозлари реконструкция қилиниши ёки бутунлаш алмаштирилиши лозим.

2. Катта диаметрли қувурлари кавитация ва абразив емирилишлар натижасида қалинлигини йўқотиб бўлган, баъзи қисмлари тешилиб ишдан чиққан. Уларнинг ишдан чиққан қисмлари алмаштирилиши, қолган қисмлари эса, капитал таъмирлашдан чиқарилиб тикланиши лозим.

3. Насос станциясининг асосий ва ёрдамчи биноларини капитал таъмирлашдан чиқариш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М. Мамажонов ва бош. Насослар ва насос станциялари. Ўқув қўлланма, Тошкент, ТИМИ, 2010
2. Лисов К.И., Григорьев К.Т. Насос ва насос станциялари.-Т: Ўқитувчи, 1980
3. Чебаевский В.Ф. и др. Проектирование насосных станций и испытание насосных установок. М.: Колос, 1982 г.

АЁЛЛАРГА ЭЪТИБОР ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ МЕЗОНИДИР

С. Ражабова-ТерДУ, магистрант

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятимизда хотин - қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялашда, миллат маънавиятини шакллантиришда оналарнинг ўрни муҳим эканлиги ҳар томонлама англаб етилди. Шу мақсадда жамиятда аёлларнинг нуфузини ошириш ҳамда уларнинг оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, шу ўринда Мухтарам Биринчи Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримовнинг қуйидаги сўзларини эслашни ўринли деб биламиз: “Жамиятимизда оналаримизнинг, опа- сингилларимизнинг, қизларимизнинг ва

П.П. Норбўтаев, Р.Б. Ражабов	<i>Мустақиллик шароитида ўзбек халқ дostonларини этнографик аспектда тадқиқ этишининг долзарб масалалари.....</i>	146-149
Д.И.Васиева Ф. Б. Донаева	<i>Олий таълим тизимини модернизациялашнинг долзарб масалалари.....</i>	149-151
Ч.Х.Темирова Б. Н. Узоқов	<i>Қишлоқ таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлаш: хусусияти ва муаммолари.....</i>	152-155
О.Н. Мирзаев	<i>Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тасвирий санъатнинг ривожланиши.....</i>	156-157
И.Х.Ғайимназаров, У.Ж. Қувватов, А.Ж. Норчаев	<i>Сув хўжалигида ишлаётган насосларнинг келиб чиқиш тарихи ва муаммолари.....</i>	157-159
С. Ражабова	<i>Аёлларга эътибор жамият ривожининг мезонидир.....</i>	159-162
Л.Э.Саатова, Ҳ.А. Каримова	<i>Мустақиллик йилларида Ўзбекистон республикасининг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши.....</i>	162-164
С.Х.Тўраева, Д. Умбаров	<i>Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришининг муҳим йўналишлари.....</i>	164-165
К.Н. Полвонов	<i>Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилояти шаҳарлари ҳаёти.....</i>	165-167
З. Бобожонова, Б. Жумаев	<i>Инвестирование женщин - залог успеха мировой экономики.....</i>	168-169
М.Ј. Palimbetova	<i>Mustaqillik davri Qoraqalpoq dramaturgiyasi.....</i>	169-171
G.N. Xoldavlatova	<i>Iste'molchilar va oziq-ovqat xavfsizligi: oziq-ovqat sanoatining istiqboli.....</i>	171-172
A.S. Eshev, M. Ochilova, E. Sobirova	<i>Increasing the competitiveness of agricultural products and its strategic approaches.....</i>	173-175
С.Э.Абдурахмонова	<i>Марказий осие трансконтинентал транспорт кўприги</i>	175-177
Б.Х. Имомов	<i>Ўзбекистонда туризм соҳасидаги долзарб масалалар.....</i>	177-180
Ш.Т.Боймуродов	<i>Ўрта махсус таълимда спортнинг оммавийлигини таъминланишининг аҳамияти.....</i>	180-181
О'.Narzullayev	<i>O'zbekistonda iqtisodiy erkin zonalarni tashkil etish va ularning mamlakat taraqqiyotidagi ahamiyati</i>	181-183
Ш.Д.Худойкулова	<i>Маданий мерос – миллат бойлиги.....</i>	184-185
П.Холиқулов, Т.Жонимқулов	<i>Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш – долзарб вазифа.....</i>	186-188